2010 йил 1 июль, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 127 (11.688)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодимиз қалбида она юрт тупроғини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Ана шу муҳим йўналишда шаклланган анъаналарни узвий давом эттирган ҳолда, ўтган давр мобайнида барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритган улкан марралар, ютуқ ва натижаларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини теран идрок этиш, уларни эл-юртимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз қалбида чуқур таассурот қолдирадиган юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **"Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон"** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ўтган ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганини чуқур очиб бериш;

мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз – халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётганини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

шу ўтган даврда бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини ҳар томонлама очиб бериш;

истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётганини, ҳар бир юртдошимизнинг ўз истеъдод ва қобилиятини намоён этиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъно-мазмунига теран сингдириш;

биз танлаб олган миллий тараққиёт йўли асосида юртимизда кенг кўламли ислоҳотлар янги босқичда давом эттирилаётгани, Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқирози шароитида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт даражасини барқарор сақлаб қолиш борасида эришаётган амалий натижалари, тараққиётнинг ўзбек моделига хос устувор тамойиллар дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом бўлиб камол топаётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига Мустақиллик байрамининг ўн тўққиз йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчиликнинг вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар қайси ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 30 июнь*

## ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎТИШ ДАВРИ ПРЕЗИДЕНТИ РОЗА ОТУНБОЕВА ЖАНОБИ ОЛИЯЛАРИГА

Ҳурматли Роза Исоқовна!

Жорий йилнинг 27 июнь куни бўлиб ўтган референдум натижаларига мувофиқ Сизга Қирғизистон Республикасининг ўтиш даври Президенти ваколатлари берилгани муносабати билан табриклайман ҳамда дўст Қирғизистон халқига чин юракдан тинчлик ва тотувлик, барқарорлик ва фаровонлик тилайман.

Ишончим комилки, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида рўй берган қонли ва ғайриинсоний воқеалар юзасидан холис ва адолатли тергов, умид қиламанки, у мутахассислар ва халқаро экспертлар иштирокида ўтказилади, кўп асрлардан буён Қирғизистон жанубида яшаб келаётган қирғиз ва ўзбек миллатига мансуб аҳоли манфаатларининг муштараклиги ва узвийлигини намоён этади.

Шу билан бирга, ушбу тергов ўзининг қабиҳ мақсадларига эришиш йўлида минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётини қурбон қилишдан ҳам тап тортмайдиган фитначи ва ташқи буюртмачиларнинг асл башарасини очиб беради.

Яна бир бор шуни ишонч билан таъкидламоқчиманки, Қирғизистон халқининг ақлидроки бугунги кунда унинг бошига тушган бу синовларни енгиб ўтиш имконини беради.

Эҳтиром билан,

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ҚИРҒИЗИСТОНДАН ВАҚТИНЧА КЎЧИБ КЕЛГАНЛАРГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ТЎҒРИСИДА

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 11-15 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида 100 мингга яқин Қирғизистон фуқароси мамлакатимизнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида вақтинчалик қабул қилиниб, жойлаштирилган эди.

Уларга Ўзбекистон ҳукумати, корхоналари, муассасалари, жамоат ташкилотлари ва аҳолиси томонидан зарур ёрдам кўрсатилди. Чегарадош туманларда Қирғизистондан вақтинча кўчиб келганлар учун лагерлар ташкил қилинди.

Аксарият қисми хотин-қизлар, болалар ва қариялардан иборат жабрланганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро ташкилотлар ва бир қатор давлатлар инсонпарварлик ёрдамини жўнатди.

*(Давоми 2-бетда).*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Тошкентда 30 июнь куни Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси ва Ўзбекистон Республикаси расмий органлари қуйидаги қўшма баёнотни қабул қилди:

"Халқаро валюта жамғармаси миссияси 2010 йилнинг 14-29 июнь кунлари Ўзбекистон билан IV-модда бўйича 2010 йилги маслаҳатлар доирасида муҳокамалар ўтказиш учун Тошкентда бўлди. Миссияга ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ёрдамчиси Талин Коранчелян хоним раҳбарлик қилди. Иқтисодий сиёсатни муҳокама қилишда ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ўринбосари Дэвид Оуэн иштирок этди.

Муҳокама чоғида жаҳон инқирози даврида қабул қилинган иқтисодий сиёсатнинг инқирозга қарши чораларига, 2009 йилнинг иқтисодий якунларига, 2010 йил ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ривожланиш истиқболларига, шунингдек, Ўзбекистон учун долзарб бўлган иқтисодий сиёсат масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Расмий органларнинг пухта ўйланган иқтисодий сиёсати туфайли жаҳон иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистон барқарор мамлакат бўлиб қолмоқда. Мазкур сиёсат бюджетнинг сезиларли профицитини таъминлади ва уларга бу даврда ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун катта миқдордаги ресурсларни тўплаш имконини берди. Миссия расмий органларни инқирозга қарши ўз вақтида ва самарали чоралар кўргани билан табриклайди, расмий органларнинг инқирозга қарши дастурлари, жумладан, солиқ юкининг камайтирилиши 2009 йилда жаҳон инқирозининг банк секторига таъсирини чеклаш, тўлов баланси ижобий сальдосини ва юқори ўсиш суръатларини сақлашда муҳим аҳамият касб этганини қайд этади. Жаҳон молия бозорларидан қарз олишга ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш ҳам мамлакатга глобал инқироз таъсирини юмшатиш имконини берди. Ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил қилди, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Айни вақтда инфляциянинг ўртача ўсиши сезиларли даражада ошмади.

*(Давоми 2-бетда).*

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**
- **Тошкентда ёшларга мўлжалланган теледастурларни яратишда тасвирга олиш ва видеомонтажнинг замонавий услубларини жорий этишга бағишланган семинар бошланди.**
- **Баркамол авлод йили муносабати билан Хоразм вилояти Шовот тумани марказида «Ёшлар хиёбони» барпо этилди. Таъкидлаш керакки, ушбу маскан ҳашар йўли билан яратилиб, ҳомийлар томонидан 400 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Хиёбонга 300 дан ортиқ арча ва беш минг донадан зиёд гул кўчатлари ўтқазилди.**
- **Наманган шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда 57 та корхона, ташкилот ва муассаса ўзларидаги мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шаҳар ҳокимлиги, бандликка кўмаклашувчи марказ, прокуратура ҳамда «Камолот» ЁИҲ томонидан уюштирилган ушбу тадбирда шаҳардаги 77 та маҳалладан ташриф буюрган 315 нафар фуқаро қатнашди. Улардан 85 кишига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди.**
- **Тадбиркор Холдорали Ҳакимов Пахтаобод туманидаги «Сойбўйи» маҳалласида томёпқич ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Фалак юлдузи» хусусий корхонасини ташкил этди. Йилига 9 минг метр квадрат ҳажмда томёпқич ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхона фаолиятини йўлга қўйишда банкдан олинган 20 миллион сўмлик кредит қўл келди.**
- **Қўрғонтепа туманида гўштни қайта ишлашга ихтисослашган «Абдуқодир Маҳсум» хусусий корхонаси ташкил этилди. Корхонага Миллий банк томонидан ажратилган 76 миллион сўмлик кредит эвазига хориждан илғор технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозирда бу ерда ойига 15 тоннагача колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.**
- **Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида «Ниҳол» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 74 нафар иқтидорли йигит-қиз эстрада, мумтоз қўшиқчилик, мусиқа, рақс, опера ижрочилиги бўйича маҳоратларини намойиш этди.**

### ЖАҲОНДА

- **Кеча Германия Федерал мажлиси томонидан ўтказилган президент сайловларининг 3-турида бошқарувчи ХДС/ХСС коалициясидан кўрсатилган номзод, Қуйи Саксония ҳукумати раҳбари Кристина Вульф депутатларнинг 625 та овозини олгани ҳолда ғолиб чиқди. Вульф эндиликда беш йил давомида президент сифатида давлатни бошқаради.**
- **Польшада муддатидан олдин ўтказилаётган 2-тур президент сайловларига уч кун қолганида сейм спикери Бронислав Комаровски жамоатчилик сўровларига кўра етакчилик қилмоқда. У теледебатларнинг иккитасида ҳам ғолиб чиқди. Мутахассислар Комаровскининг сайловларда 50 фоиздан ортиқ овоз олган ҳолда ғолиб чиқишини башорат қилмоқдалар.**
- **Кеча АҚШ Сенатининг вакиллар палатаси ўтган асрнинг 30- йилларидан буён илк бор мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришга қаратилган улкан ислоҳотлар лойиҳасини тасдиқлади.**
- **Атлантика океанида пайдо бўлган «Алекс» тўфони тобора кучайиб Мексика кўрфазига яқинлашмоқда. Иккинчи тоифа хавфлилик даражасига эга тўфон АҚШнинг Техас штати ва Мексиканинг шимоли-шарқий ҳудудларида катта талафотларни келтириб чиқариши мумкин. Тўфоннинг яқинлашуви муносабати билан «Бритиш петролеум» компанияси ҳам денгиз тубидан нефтни юқорига тортиб олишни тўхтатишга мажбур бўлди. Аҳоли хавфли жойлардан кўчирилмоқда.**
- **Руминиянинг шимоли-шарқида содир бўлган сув тошқини оқибатида 21 киши ҳалок бўлди, иккита одам бедарак йўқолди. Бир қатор аҳоли пунктларини сув босиши туфайли минглаб одамлар эвакуация қилинган. Қутқарув ишларида юзлаб полициячи ва қутқарувчилар қатнашмоқда. Ҳудудда ҳозиргача электр таъминоти ва темир йўл ҳаракати тикланмаган.**

